




**ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИРОФИ:
ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЛАЛАР
МЕҲНАТИГА БАРҲАМ
БЕРИШ ТАЖРИБАСИ
ЭНГ САМАРАЛИ МОДЕЛЛАРДАН
БИРИ**

Женевада Халқаро меҳнат конференциясининг 114-сессияси ўтказилмоқда. Анжуманда иштирок этаётган 187 давлат вакиллари олдида Ўзбекистон делегацияси мамлакатимизда меҳнат, ижтимоий ҳимоя ва таълим соҳаларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижаларини тақдим этди.

Ўзбекистонда болалар меҳнатига деярли тўлиқ барҳам берилгани, бу натижа давлат сиёсатининг изчиллиги, кучли ижтимоий ҳимоя тизими ва самарали халқаро ҳамкорликнинг амалий самараси сифатида халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди.

Ўшбу ютуқларга эришишда ХМТ, иш берувчилар уюшмалари ва касба уюшмалари билан олиб борилган яқин ҳамкорлик муҳим ўрин тутгани, ХМТнинг тавсия ва стандартлари изчил равишда ҳаётга татбиқ этилгани қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг болалар меҳнатига қарши курашиш соҳасидаги муваффақиятли тажрибаси энг самарали моделлардан бири сифатида эътироф этилди.



**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ТУМАНЛАРИНИ
ИЖТИСОСЛАШУВ АСОСИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ
КЎРИБ ЧИҚИЛДИ**

Президент Шавкат Мирзиёев 10 июнь кuni Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ривожлантириш, олис ва чекка туманларда аҳоли турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йўналиш ўтказди.

Унда мутасаддиларнинг ахбороти тингланди. Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятининг ҳар бир туманида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадини ошириш ва ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тафовутни қисқартириш бўйича аниқ топшириқлар берди.



**ШАҲАРСОЗЛИК ВА УЙ-
ЖОЙ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ЯНГИ ТАШАББУСЛАР
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

Президент Шавкат Мирзиёев урбанизация ва шаҳарсозлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш юзасидан тақдимот билан танишди. Давлатимиз раҳбари шаҳарсозлик ва урбанизация соҳасидаги ислохотлар аҳоли учун қулай муҳит ва барқарор ривожланиш таъминловига асосланиши зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга бош режалар ва мастер-режаларни рақамлаштириш, «Uy-joy» ягона платформасини ишга тушириш, улушли қурилишда фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш, эскроу механизмларини жорий этиш ҳамда реновация бўйича аниқ ва адолатли тартибларни шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.



Умла буркансин олам!

Наманган яна гуллар оғушида. Азалдан гўзалликка ошно бу ҳудудда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар қалбида гулга меҳр, нафосатга муҳаббат яшайди. Шу боис маҳаллалар, кўчалар, хибонлар ва хонадонлар турфа ранг гуллар билан безанади. Бирор уй йўқки, ифोर таралмаган бўлса...

Ана шу гўзал анъананинг давоми сифатида бу йил ҳам Наманганда 65-халқаро гуллар фестивали ўтказилмоқда. 24 майдан 12 июлга қадар, 50 кун давом этадиган ушбу нуфузли фестиваль нафақат юртимиз, балки хорижий меҳмонлар учун ҳам ҳақиқий гўзаллик ва нафосат байрамига айланди.

Бу йил Наманган шаҳри, Давлатобод ва Янги Наманган туманларида фестивалга тайёрлик ишлари жадал олиб борилди. Замонавий ландшафт дизайнлари асосида 120 турдаги 150 миллион тупдан ортиқ гул кўчатлари экилиб, шаҳар мисли қўрилмаган тароват оғушида қолди.

Дарҳақиқат, Наманган бугун нафақат гуллар шаҳри, балки дўстлик, бунёдкорлик ва эзгулик рамзи сифатида ҳам жаҳон нигоҳини ўзига қаратмоқда. Эътиборли жиҳати, яқинда яна бир тарихий ютуққа эришилди. Фестиваль доирасида 150 миллион туп гул кўчати экилиб, шаҳар «Жамоавий тарзда бир ой давомида энг кўп гул экиш» йўналиши бўйича Гиннес рекордлар китобига киритилди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

**СУД ТИЗИМИДА
ЯНГИ НАЗОРАТ
МЕХАНИЗМИ
ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА**
Бу ҳақда батафсил ishonch.uz хабардор этади:

**ФАХРИЙЛАРГА
ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР
БЕРИЛИШИ
МУМКИН**
Бу ҳақда батафсил ishonch.uz хабардор этади:

КЕЛАЖАК СОҲАЛАРИ ЁШЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Жиззах шаҳрида мактаб битирувчилари учун қўрилмаган ва қизиқарли тақдимот ташкил этилди. Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси қошидаги Марказий Осиёда ягона саналган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг имкониятлари ҳақида ба-

тафсил маълумот берилди. Қайд этилишича, ушбу масканда инсон ресурсларини бошқариш, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, юриспруденция, бухгалтерия ҳисоби каби 10 та замонавий йўналишда 1176 нафар талаба билим олмақда. Олий ўқув юртида энг илғор технологиялар билан жиҳоз-

Фаолият

ланган аудиториялар, 6141 та илмий ва бадий адабиётга эга ахборот-ресурс маркази, 320 ўринли талабалар тураржойи мавжуд.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда битирувчилар халқаро ҳамкорлик дастурлари ва қабул жараёнлари ҳақида ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...

ҚАРЗНИ УНДИРИШ ЧОРАЛАРИ БОРМИ?

САВОЛ: Ҳозирги даврда суд қарорлари ва ижро ҳужжатлари мавжуд бўлса-да, қарзини ўз вақтида тўлашдан қасддан бўйин товлайдиган шахслар кўпаймоқда. Қонунчиликда уларга нисбатан жазо чоралари борми?

Севара ОМОНБОВА
Наманган вилояти

ЖАВОБ: Ҳа, амалдаги қонунчилигимизда қарздор шахслар қарзни ундириш тўғрисидаги суд қарорларини бажармаганликлари учун жавобгарлик ҳам, жазо чоралари ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда қарздор ижро ҳужжати талабларини ўз вақтида бажармаса, икки

ҳолат бўйича жазо чоралари қўлланилиши кўрсатилган.

Биринчиси, агар қарздорга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараварига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги суммани ундириш тўғрисида талаб қўйилган бўлса-ю, давлат ижросини ундиришни белгиланган муддатда узрсиз сабабларга қўра бажармаса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача, мансбдор шахсларга эса ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Иккинчи ҳолатда эса қарздордан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан кўп миқдордаги суммани ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати давлат



ижросини томонидан белгиланган муддатда ихтиёрий равишда бажарилмаса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансбдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, маъмурий жарима миқдори ижро ҳужжатида ундирилиши белгиланган суммадан ошиши мумкин эмас.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «Аёллар дафтари» тизими бугунги кунда ўз самарасини бериб, минглаб хотин-қизларнинг муаммолари ечим топмоқда.

Мазкур тизимнинг асосий мақсади оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, ишсиз, тиббий, ҳуқуқий ёки психологик қўмакка муҳтож бўлган хотин-қизларни аниқлаш ва манзилли қўллаб-қувватлашдан иборат. Шунингдек, таъйиқ ва зўравонликка учраган аёлларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам тизимнинг муҳим вазифаларидан саналади.


Айни кунларда «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичи доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни юқори савияда ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда кенгаш раиси Назира Тоғаева, Федерациядан бириктирилган масъул Фарҳоджон Хананияев ва бошқа мутасаддилар иштирок этдилар.

Йиғилишда хотин-қизларнинг муаммоларини чуқур ўрганиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аynиқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг мурожаатларини ўз вақтида ижобий ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди. Масъуллар «Аёллар дафтари»га киритилаётган ҳар бир хотин-қизнинг тақдирига бефарқ бўлмастиклари, барчасининг дарди ва эҳтиёжларини жойига чиққан ҳолда ўрганиш зарурлигини таъкидлади.

Тадбирда бандликни таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли имкониятлар яратиш, шунингдек, уларнинг ижтимоий қиёлигини оширишга қаратилган ишлар ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилаётган опа-сингилларнинг даромад манбаини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Нафиса ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Навоий вилояти кенгашининг
етажчи мутахассиси

ТОП-5 ДАВЛАТ ҚАТОРИДА



БМТ Туризм ташкилотининг (World Tourism Barometer) сўнги таҳлилий маълумотларига қўра, Ўзбекистон 2026 йилнинг январь-март ойларида хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича дунёда энг юқори ўсиш қайд этилган ТОП-5 давлат қаторига кирди.

Хисоботда қайд этилишича, мамлакатга ташриф буюрган халқаро туристлар сони 2025 йилнинг шу даврига нисбатан 37 фоизга ошган. Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон туризм бозоридagi ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади.

Хусусан, **2025 йилда мамлакатга қарий**

11,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрган бўлса, **2026 йилнинг дастлабки беш ойида** бу кўрсаткич **5,3 миллиондан** ошди.

**Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.**

Алишер Навоий

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Женевада Халқаро меҳнат ташкилотининг 114-сессияси доирасида Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси делегацияси ҳамда IndustriALL Global Union бош котиби ўринбосари Кемал Ўзжан ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Унда тармоқ касабани уюшмалари ҳамкорлигини ривожлантириш, саноат тармоқларида меҳнат қилаётган ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тоғ-кон, металлургия ва энергетика соҳаларидаги масалалар муҳокама қилинди.

Кемал Ўзжан IndustriALL таркибига кирувчи Ўзбекистон тармоқ касабани уюшмаларининг глобал касабани уюшмалари бирлашмаси фаолиятидаги фаол иштирокини алоҳида қайд этди. Унинг таъкидлашича, бугунги кунда аъзо ташкилотларни халқаро касабани уюшмалари кун тартиби, саноат ходимлари учун юзага келаятган янги хатар-

лар ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган замонавий ёндашувлар ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Учрашувда жаҳон ҳамжамиятининг стратегик аҳамиятга эга минераллар ва фойдали қазилмаларга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар тоғ-кон ва металлургия саноатини барқарор ривожлантириш, муносиб меҳнат шартларини таъминлаш, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш ҳамда ушбу жараёнларда касабани уюшмаларининг ўрни масалаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федера-

цияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев республика тармоқ касабани уюшмалари фаолияти, уларнинг халқаро касабани уюшмалари ҳаракатидаги иштироки ва саноат соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда стратегик аҳамиятга эга минерал хомаш ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий технологияларни жорий этиш ва юқори унумдорликка эга янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бундай шароитда касабани уюшмаларининг ўрни ҳам тобора ортиб бормоқда. Улар муносиб меҳнат шартларини таъминлаш, ижтимоий мулоқотни ривожлантириш, ходимлар малакасини ошириш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этмоқда.

Томонлар Марказий Осиё мамлакатлари тармоқ касабани уюшмалари иштирокида Ўзбекистонда IndustriALLнинг субминтакавий конференциясини ўтказиш иштирокида ҳам муҳокама қилди. Қайд этилганидек, бундай майдонча минтақа касабани уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, саноатни ривожлантириш, бандлик ва ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини беради.

Мулоқот

Кемал Ўзжан, айниқса, металлургия соҳаси, рангли металлургия корхоналари ҳамда стратегик аҳамиятга эга минерал ресурслар секторига фаолият юритаётган касабани уюшмалари ва ходимларни замонавий халқаро тенденциялар ҳақида хабардор қилиш муҳимлигини таъкидлади. Унинг фикрича, бу йўналишда таълим дастурлари, ихтисослаштирилган тренинглари, илгор тажрибалар алмашинуви ҳамда турли мамлакатлар тармоқ касабани уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Учрашув якунида томонлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини тасдиқладилар. Шунингдек, жорий йил июль ойида Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари тармоқ касабани уюшмалари иштирокида IndustriALLнинг субминтакавий конференциясини ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Ўз мухбиримиз

Таълим

Янги ўқув йили РЕЖАЛАРИ



Сўнгги йилларда Ўзбекистон таълим тизимини янада яқинлаштиришга эришилди. Хусусан, олий таълим қамрови 8,3 фоиздан 47,7 фоизга чикди, талабалар қарийб 5 бараварга кўпайди, университетлар сони эса 77 тадан 211 тага етди. Бу ислохотлар халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётида муҳим бурилиш ясамоқда. Масалан, Президент қарори билан Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси ҳузурда ташкил этилган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида бугунги кунда қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, муассаса фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, таълим сифатини ошириш ҳамда қабул жараёнлари шаффофлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, 2026/2027 ўқув йилида 1-курсга жами 1110 нафар талаба қабул қилиниши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг 740 нафари кундузги, 370 нафари эса кечки таълим йўналишларига тўғри келади.

кистон касабани уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши раиси Муҳаммадқосим Олимов сўзга чиқиб, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида бугунги кунда талаб юқори бўлган замонавий касблар ҳамда академияда яратилган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берди. Бугунга қадар ҳам кенгаш томонидан муассасада ўқишга талабгорларни жалб қилиш мақсадида маҳаллий оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқларда кенг қамровли тарғибот тadbирлари амалга оширилган эди. Савол-жавоблар руҳида ўтган бу сафарги учрашувда ҳам бундай тарғибот ишларини мактаб, касб-хунар мактаби ва техникум биттирувчилари ҳамда корхона ва ташкилотлар ходимлари ўртасида тизимли давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Тadbир доирасида Бухоро шаҳридаги бошланғич касабани уюшмаси ташкилотлари раислари учун «Касабани уюшмалари бошланғич ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш» мавзусида амалий ўқув-семинар ҳам ўтказилди. Унда иштирокчилар учун меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат таш-

килоти конвенцияларини амалиётда қўллаш ҳамда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда касабани уюшмаларининг ўрни каби муҳим ҳуқуқий мавзуларга маърузалар қилинди. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тўғри ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид янги низомларни корхона ва ташкилотларда амалда қўллаш усуллари атрофида тушунтирилди. Тингловчиларга ходимларни соғломлаштиришда ижтимоий суғурта ва касабани уюшмаси маблагларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш, бошланғич ташкилотларда маданий-маърифий, туризм ва спорт-соғломлаштириш тadbирларини юқори савияда ташкил этиш йўналишлари бўйича зарур тавсиялар берилди.

Кенг қамровли тadbирлар якунида вилоятда янги ташкил этилган 26 та корхона, ташкилот ва муассасанинг бошланғич касабани уюшмаси ташкилотларига вилоят кенгашининг сертификатлари тантанали равишда топширилди.

Аҳмаджон АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши бўлим мудири

Касабани уюшмаси аралашгач...

БЕПАРВОЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Меҳнат қонунчилигига кўра, ишга тиклаш ҳақидаги суд қарори дарҳол ижро этилиши шарт. Аммо амалиётда бу талаб ҳар доим ҳам бажарилавермайди. Оқибатда иш берувчи нафақат ходимни ишга тиклашни, балки қўшимча молиявий мажбуриятларни ҳам зиммасига олишга мажбур бўлди.



Бойсун туманида фаолият юртган уч нафар ҳоким ёрдамчисининг ишдан бўшатилиши юзасидан судларга мурожаат қилинган. Дастлабки инстанцияда даъволар рад этилган бўлса-да, апелляция босқичида бу ҳақдаги қарорлар бекор қилиниб, ходимларни ишга тиклаш юза-

сидан янги қарор чиқарилди. Шунингдек, уларнинг мажбурий бекор юрган даври учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундирилиши белгиланди.

Бироқ, суднинг ишга тиклаш тўғрисидаги қарори дарҳол ижро этилиши лозим бўлганига қарама-қарс, унинг бажарилиши бир неча ойга кечиктирилди. Бу эса меҳнат қонунчилигида назарда тутилган қўшимча тўловларни юзага келтирди. Ходимлар манфаатла-

рини ҳимоя қилиш мақсадида судга яна даъво-ариза киритилиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи, тўловлар кечиктирилгани учун компенсация ҳамда маънавий зарар ундириш сўралди. Суд қарорига мувофиқ, ҳар учала ходим фойдасига тегишли маблаглар ундирилаётган бўлди. Кейинчалик апелляция инстанцияси ҳам биринчи инстанция суди қарорини ўз кучида қолдирди.

Ушбу ҳолат меҳнат қонунчилиги талабларига амал қилмаслик иш берувчи учун қўшимча молиявий йўқотишларга сабаб бўлишини яна бир бор кўрсатди. Шунинг учун суд қарорларини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш жоиз.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Фахрийлар – фахримиз

ФИДОЙИЛИК, САДОҚАТ ВА ИНСОН ҚАДРИГА БАҲШИДА УМР

Жамият тараққиёти, аввало, инсон қадрини юксакка кўтарадиган, эл манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қиладиган фидойи инсонлар меҳнати билан белгиланади. Ана шундайлардан бири иқтисод фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик институти касабани уюшмаси раиси сифатида узоқ йиллар самарали фаолият юритган Пахриддин Алимовдир. Қўтлуг 75 ёшини қарши олган устознинг ҳаёт йўли, илм-фан ва таълим соҳасидаги самарали меҳнати, жамоат ишларидаги фидойиллиги ҳақида фикр билдириш ҳар бир шоғирди ва ҳамкасби қатори биз учун ҳам юксак шараф.

ИЛМ ВА МЕҲНАТ ИЛА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЁТ

Пахриддин Алимов 1951 йил 14 майда пойтахтимизга туташ Тошкент туманида хизматчи оиласида таваллуд топди. Ёшлиқиданоқ илмга чанқоқлиги, интизомлиги ва меҳнатсеварлиги унинг кейинги ҳаёти учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

1971 йили Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг Молия-иқтисод факультетини муваффақият билан тамомлаб, йигитлик бурчини ўтади. 1973 йилдан Ўзбекистон давлат суғурта бош бошқармасида катта иқтисодчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлаб, кейинчалик ўзини илм-фанга бағишлади. 1981 йилда Ўрта Осиё кишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти аспирантурасига ўқишга кириб, 1985 йили иқтисод фанлари бўйича номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади. Илмий муассасада кичик илмий ходимдан бўлим мудири даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. 1992 йилдан Тошкент давлат юридик институтининг Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти, кафедра мудири ҳамда 1-ҳуқуқ факультети декани лавозимида ишлаб, минглаб талабаларга сабоқ берди. Устознинг 50 дан ортқ илмий ишлари ва мақолалари соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшди.

**АЛОҲИДА ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ
15 ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ**

Пахриддин Жўраевичнинг 1998-2013 йилларда Тошкент давлат юридик институти касабани уюшмаси тизимидаги раҳбарлик фаолияти алоҳида эътирофга лойиқ. Бу даврда жамоада аҳилликни, ўзаро ҳурмат ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Устоз раҳбарлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ касабани уюшмасининг асосий вазифаси ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш эканини чуқур англади. Шу боис меҳнат муносабатларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, мурожаатлар билан ишлаш тизimini такомиллаштириш каби муҳим йўналишларга алоҳида эътибор қаратди. Меҳнат шартномалари мониторинги, ҳуқуқий маслаҳат хизматлари, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари жамоадаги ўзаро ишонч-ни янада мустаҳкамлади. Натижада ходимларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллиги ошди.

МАЪНАВИЯТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ЙЎЛИ

Пахриддин Жўраевич жамоада меҳнат интизоми билан бир қаторда юксак маънавий мухитни шакллантиришни ҳам устувор вазифа, деб билди. Унинг ташаббуси билан университетда маънавий-маърифий учрашувлар, китобхонлик кечалари, интеллектуал танловлар, миллий қадриятларни тарғиб этувчи тadbирлар мунтазам ташкил этилди. Ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш, устоз-шоғирд аънаналарини ривожлантириш, малака оширишни узлуксиз йўлга қўйиш борасидаги ишлар ҳам унинг фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бирига айланди. Шунингдек, пенсия ёшидаги ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фарзандларини ёзги оромгоҳларга юбориш, ёш оилаларга ёрдам бериш каби ташаббуслар жамоа аҳли ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлади.

Сирасини айтганда, Пахриддин Алимовнинг бой тажрибаси, халқ манфаати йўлидаги фидокорона меҳнатлари барчамиз учун намунадир.

Мурод ЎРАЗАЛИЕВ,
Тошкент давлат юридик университети касабани уюшмаси қўшимча раиси

Тиббиёт

ИЛМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Пойтахтимизда «Нейрореабилитациянинг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Неврология ва нейрореабилитация соҳасида фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий олимлар, халқаро экспертлар, амалиётчи шифокорлар ҳамда тадқиқотчиларни бир майдонга жамлаган анжуманда замонавий тиббиётнинг энг долзарб йўналишлари муҳокама қилинди. Шунингдек, болалар неврологияси соҳасидаги бугунги муаммолар, уларнинг ечимлари ва истиқболдаги вазифалар юзасидан ҳам қатор маърузалар тингланди.

Ушбу конференция айна соҳада фаолият юритаётган ходимлар учун катта тажриба алмашиш мактаби бўлди, – дейди Ўзбекистон болалар неврологияси мактабларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган таниқли олима, тиббиёт фанлари доктори, профессор Гулчехра Содиқова. – Неврологик касалликлар сони ортиб бораётгани бугунги даврда илм-фан ва амалий тиббиётнинг ҳамкорлиги ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Бу каби халқаро анжуманлар мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш, самарали ечимларни топиш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва соғлом авлод тарбиясига хизмат қилувчи янги лойиҳаларни амалга ошириш учун муҳим платформа вазифасини ўтади.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

**Ҳеч нима қилмайдиган одамгина хато қилмайди,
ҳолбуки унинг энг катта хатоси ҳам шудир.**

Лев Толстой

Эрон дипломатияси раҳбари Х ижтимоий тармоғидаги саҳифасида Вашингтон муваффақиятсизликларга қарамай, Техроннинг қатъиятини «си-наб кўришга» қарор қилганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, хавфсизликини истаганлар Форс кўрфазининг тарқатишлари лозим.

Бундан бир неча кун аввал Исроил ҳамда Эрон ўзаро зарбалар алмашган эди. Кўпчилик сиёсатшунослар фикрича, рўй бераётган воқеалар аллақачон минтақавий инқироз доирасидан чиқиб кетган. Кўз ўнгимизда АҚШ, Исроил, Эрон, Россия, Хитой, Туркия ва Форс кўрфазининг давлатлари манфаатлари туташиб кетган янги геосиёсий воқеалик шаклланимда. Агар яқин-яқингача минтақадаги сиёсат диққат марказида Ҳазодаги уруш ва Эрон ядровий дастурининг тақдири турган бўлса, бугун ўйиндаги дов анча баланд.

Сўнгги воқеалар ҳатто вақтинчалик оташкес ҳам можаро тугатганини аниқлашнинг кўрсатиши. Эрон ҳудудига берилган зарбалардан сўнг Техрон Исроилга ракета ҳужуми билан жавоб қайтарди. Исроил мудофаа кучлари эса Эроннинг марказий ва ғарбий қисмларидаги объектларга чекланган зарбалар берди. Шундан сўнг ҳар икки томон операцияларини тўхтатганини эълон қилди. Бироқ янги тажовуз юз берса, жавоб янада оғирроқ бўлиши ҳақидаги баёнотлар ҳам янгради. Хусусан, Исроил мудофаа кучлари Бош штаб раҳбари Эяль Замир Техронга янада кучли ва вайронкор зарба бериш билан таҳдид қилди. Унинг таъкидлашича, Эроннинг Исроилга янги ўйин қондаларини мажбурият ва минтақадаги таъсирини кенгайтиришга қаратилган урушлари муваффақиятсизликка маҳкум.

«Эронга ҳужумимиз анча жиддий ва оғирроқ зарбага тайёргарликнинг бир қисми эди. Биз янада кучли ҳамда талафотлироқ зарба беришга тайёрмиз», деди у 9 июнь кунини мамлакат шимолида офицерлар иштирокида ўтказилган машғулотларни кузатар экан.

Шубҳасиз, Эрондаги вазият бутун дунёга дахлдор. Пруссиялик таниқли ҳарбий арбоб, кўмондон, ҳарбий назариячи, тарихчи ва ахлоқшунос Карл фон Клаузевиц бир пайтлар урушни «сиёсатнинг бошқа воситалар билан давом эттиши» дея таърифлаган эди. Бугун эса сиёсатнинг ўзи тобора кўпроқ урушнинг давомига айланаётгандек.

АҚШ Эрондан ядровий қурол яратмаслик кафолатини талаб қилапти. Эрон нафақат бундай қуролни яратишдан, балки уни қўлга киритишнинг ҳар қандай шаклидан воз кечиши керак, деяпти Трамп. Вашингтон эҳтимолий келишувни галаба сифатида тақдим этмоқчи. Бу дипломатиядан кўра, куч-қудрат галабаси бўлиши лозим – гўёки Эрон босим, зарбалар ва таҳдидлар таъсирида ён беришга мажбур бўлгандек кўриниши керак.

Техрон эса вазиятга бошқача қараяпти. Мамлакатнинг ташқи тажовузуларга дош бериб келаётгани Эрон сиёсий элитасида асосий натижа ўлароқ кўрилмақда. Сиёсий тизим кулагани йўқ. Режим таслим бўлмади. Ҳўрмуз бўғози Эрон қўлида қолди. Шунинг учун Техрон ролибларга шарт қўйилмайдиган, деган фикрда собит турибди.

Ушбу мантиқ Эрон парламенти спикери Мухаммад Боқир Қолибоннинг «Биз ён беришларга музокаралар столи орқали эмас, ракеталар ёрдамида эришамиз», деган сўзларида ўз ифодасини топди. Бу – шарҳатсиз, хавфли, бироқ давр моҳиятини аниқ ифодаловчи формула. У дунё халқаро можаролар фақат ҳуқуқ, дипломатия ва резолюциялар орқали ҳал этилади, деган тасаввурдан қанчалик узоклашиб кетганини кўрсатиб турибди.

Аввалги мақолаларда бот-бот такрорланганидек, Ҳўрмуз бўғози – урушнинг энг оғирлиги нуқтаси. Бўғозни ҳеч қандай бадаллар ва шартларсиз очишни талаб қилаётган Трамп фақат денгиз қатновини ҳақида гапиряётгани йўқ. У жаҳоннинг энг муҳим транспорт йўналишларида АҚШ қондалари амал қилиши зарурлигини ҳам уқтирмақчи бўляпти. Эрон эса бўғозни савдолаштириш мавзусига айлантириш нияти йўқлигини билдириб экан, Вашингтон глобал коммуникациялар тартибини яқна ўзи белгилай олган даврлар ниҳоясига етаётганини таъкидлапти.

Вашингтоннинг сўнгги баёнотлари шунини кўрсатмоқдаки, АҚШ Техронга босимни юмшатиш, Эроннинг музлатилган активларидан бир қисмини қайтариш ва санкциялар тартибига эҳтимолий ўзгартиришлар киритиш масаласини фақат ядровий дастур бўйича ён беришлар ва Ҳўрмуз орқали эркин денгиз қатновини кафолатлари эвазига муҳокама қилишга тайёр. Бошқача айтганда, бўғоз хавфсизлиги эвазига иқтисодий енгиллик тақдир этиляпти. Аммо бу савдолашув ортида келажакнинг энергетик томирларини ким назорат қилади, нефть, газ, контейнер ташувлари ва жаҳон савдо оқимлари ҳаракати қондаларини ким белгилайди, деган саволлар жавоби турибди.

Қолаверса, Трампнинг ҳатти-ҳаракатлари фақат ташқи сиёсат мантиғига бўйсунмайди. У учун Эрон билан келишув ички сиёсий имтиҳон ҳамдир. У Барак Обама давридаги ядровий келишувнинг такрори ёки унинг юмшакроқ кўриниши сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган битимга рози бўлмайди. Трампга Эроннинг тўлиқ таслим бўлгани ҳақидаги тасаввур керак. Шунинг учун Оқ уй баёнотларини янада кескинлаштириб, уран масаласида қатъий кафолатлар талаб қилапти, музлатилган активлар бўйича бахшлаш япти ва масаланинг ҳарбий ечимини ҳам истисно этмаяпти.

Бу – стол устида тўпонача турган дипломатия. Аммо муаммо шундаки, қарши томон ҳам бўш қўл билан ўтиргани йўқ.

Сиртдан қараганда, томонлар дипломатик муросяга келаятгандек туюлиши мумкин. Бироқ сўнгги баёнотлар бунинг аксини кўрсатаяпти. Исроил ҳарбий устунликка эга, аммо «қаршилиқ ўқи» инфратузилмасини бутунлай йўқ қилишга қодир эмас. Эрон оғирлиқ зарбалар бериш ва Америка базалари ҳамда денгиз қатновига таҳдид солиш имкониятига эга, бироқ жиддий иқтисодий босимини бошидан кечираяпти. Трамп Вашингтон Эроннинг 60 фоизгача бойитилган уран захираларини сақлаб қолишга йўл қўймаслигини ва бу муаммони дипломатик йўл билан ҳал қилишга, зарурат тугилса, куч ишлатишга ҳам тайёрлигини маълум қилди. Техрон эса, ўз навбатида, музокараларни давом эттириб экан, уларни АҚШ билан муносабатларни нормаллаштириш воситаси сифатида кўрмаётганини очикчасига билдирмоқда. Эрон раҳбариятининг асосий мақсади Америка билан яқинлашиш эмас, балки



давлатнинг узоқ муддатли хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Бу можаро хавфли босқичга кирганидан далолат беради. Музокаралар давом этаётган бир пайтда, томонлар энг ёмон сценарийга тайёргарлик кўряпти. Тарихда бундай мисоллар жуда кўп. 1914 йил ёзида Европа давлатлари ҳам жаҳон уруши арафасига қадам дипломатик музокараларни давом эттирган эди.

Эрон ерости ракета инфратузилмасини тиклапти. АҚШ ва Исроилнинг ҳарбий кампанияси унга жиддий зарар етказган бўлса-да, жавоб қайтариш қобилиятидан маҳрум қила олмайди. Дарҳақиқат, йиллар давомида қалмагга тайёрланган давлатнинг сиёсий иродасини синдиришдан кўра, объектларни вайрон қилиш осонроқ.

Бу ерда одатда Британия давлат арбоби ва собиқ Бош вазири Генри Джон Темпл Пальмерстон номи билан боғланадиган давлатларнинг абадий иттифоқчилари ҳам, абадий душманлари ҳам бўлмайди – уларнинг доимий манфаатлари бор, деган тамойилни эслаш ўринали. Эрон атрофидаги вазиятда, бу айниқса, аққол кўзга ташланапти. Форс кўрфазини монархиялари Техрондан хавотирда, аммо янги катта уруш майдонига айланиши истамайди. Хитой энергия ресурслари етказиб бериш барқарорлигини манфаатлари, бироқ Америка белгилаган энергетик мантиққа бўйсунмиш ниятидан анча йироқ. Россия бу инқирозда нафақат таҳдидини, балки имкониятлар ойнасини ҳам кўряпти. Европа нефть нархлари ошшидан хавотирда, аммо таъсир кўрсатиш воситаларига даярли эга эмас.

Бир неча йил аввал Исроилнинг расмий мақсади Эронда ядровий қурол пайдо бўлишига йўл қўймаслик эди. Бугун эса Эрон режимининг келажига дахлдор баёнотлар тобора кўпроқ янграяпти. Биньямин Нетаньяху Эроннинг ҳозирги сиёсий тизимини ағдариш зарурлиги ҳақида очик гапиряпти.

Шу билан бирга, оғирлик маркази аста-секин Ливан томон силжиб бормоқда. Навбатдаги келишувларга қарамай, мамлакат жанубида жанговар ҳаракатлар давом этмоқда. Исроил «Ҳизбуллоҳ» инфратузилмасига берилаётган зарбаларни ўз хавфсизлиги масаласи сифатида баҳоламақда. Эрон эса Ливандаги асосий иттифоқчисини сақлаб қолишни минтақавий архитектуранинг энг муҳим унсурларидан бири деб ҳисоблайди.

Тель-Авивда тобора кўпроқ Эрон билан ҳозирги қарама-қаршилиқ босқичидан кейин айнан Ливан йўналиши ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар янграяпти. Аслида бутун «қаршилиқ ўқи»нинг келажиги учун кураш бошланган.

Бу борада Туркиянинг позицияси диққатга сазовор. НАТО аъзоси экани ва Эрон билан кўп йиллик зиддиятлар мавжуд бўлишига қарамай, Анкара кескинлашувнинг янада кучайишига қарши чиқмоқда. Турк таҳлил марказлари АҚШ, Исроил ва Эрон ўртасидаги урушнинг келажак можароларининг намунаси сифатида баҳоламақда.

Турк мутахассислари хулосалари эътиборга лойиқ. Замонавий урушлар энди танклар, самолётлар ва ракеталар сони билан ўлчанмайди. Асосий зарбалар энергетика объектлари, логистика йўналишлари, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, алоқа тизимларига қаратилади, сунъий интеллект ҳамда жамиятнинг узоқ давом этадиган инқирозга бардошлилиги муҳим омиллардан бирига айланади.

Аслида геосиёсатнинг ҳарбий қудрат, технологиялар, сунъий интеллект, энергетика, логистика, ишлаб чиқариш ва жамият барқарорлигининг йиғиндиси XXI асрда давлатнинг таъсир кучи даражасини белгилайди, деган янги формуласи шаклланимда.

Туркия бир вақтнинг ўзида мудофаа саноатини мустаҳкамлаётгани, транспорт йўлакларини ривожлантираётгани, ҳатто жиддий иттилофларга эга давлатлар билан ҳам мулоқот каналларини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётгани бежиз эмас. Бундай йўл йирик инқирозлар даврида куч, мослашувчанлик ва турли таъсир марказлари билан мулоқот қилиш қобилиятини ўйинлаштириш олган томон голиб чиқади, деган янги воқеликни акс эттиради.

Бироқ энг муҳим хулоса Яқин Шарқ доирасидан анча кенг. Жаҳон харитасига диққат билан назар ташланса, Эрон атрофидаги инқироз глобал жараённинг фақат бир бўлаги экани аён бўлади. Демак, қарама-қаршилиқ сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйган. Гап Яқин Шарқнинг энг йирик давлатларидан бирининг сиёсий келажиги ҳақида борапти. Сиёсий арбоб, файла-

суф Никколо Макиавелли бундан беш юз йил муқаддам янги тартибни жорий этишдан кўра қийинроқ, хавфлироқ ва натижаси ноаниқроқ иш йўқлигиндан огоҳлантирган эди. Муаммо шундаки, бугун мавжуд тартибни ўзгартириш бир вақтнинг ўзида бир нечта йирик ўйиннинг мақсадига айланган.

Бу орада зиддият Боб-ал-Мандиб бўғозига ҳам ёйилиши мумкинлигини унутмаслик керак. Агар Ҳўрмуз Форс кўрфазини дарвозаси бўлса, Боб-ал-Мандиб Қизил денгизнинг жанубий дарвозасидир. Улар биргаликда жаҳон савдоси ва энергия ресурсларининг катта қисми ўтадиган стратегик боғламини ташкил қилади. Агар ушбу хавотир чинга айланса, Узоқ Шарқдан Европача қадам ястанган жаҳон логистикаси оғир кунларни бошидан кечирishi мумкин.

Эроннинг ўзида эса иқтисодий муаммолар бўй кўрсатаяпти. Юқори инфляция, миллий валюта барқарорлигининг пасайиши, асосий товарлар нархининг ошishi, санкциялар ва ҳарбий зарбалар миллионлаб одамларнинг қуноқли ҳаётида салбий акс этмоқда. Иқтисодий босим урушнинг мустақил воситасига айланмоқда. Хитой стратегия ва мутафаккири Сунь-цизи уруш санъатининг энг олий кўриниши рақиб қаршилигини жангсиз синдиришдан иборат, деб бежиз ёзмаган. Бугун санкциялар, молиявий оқимларни чеклаш, активларни блоклаш ва логистик тўсиқлар ракеталар ҳамда дроңлар қаторида турувчи жиддий қуролга айланмоқда.

Дунё аста-секин Америка яккакутбли устунлиги давридан чиқиб, бир нечта куч марказлиги ўртасидаги рақобат даврига кириб бормоқда. Украинадаги уруш фақат Россия ва Украина ўртасидаги масала, деганлар адашади. У очикча Россия Ғарб ўртасидаги тизимли қарама-қаршиликка айланиб улгурди. Агар воқеалар шу таҳдид давом этса, уруш алангаси Европача кўчиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Эрон атрофидаги инқироз ҳам ядровий дастур ҳақидаги баҳс доирасидан чиқиб кетган. У АҚШ, Исроил, Хитой, Россия, араб дунёси ва минтақавий давлатлар манфаатлари тўқнашувига айланган. Тайвань масаласи ҳам Хитой ва Тайбэй муаммоси даражасидан ошиб, жаҳон технология тизими келажигига дахлдор масалага айланди. Бу можароларнинг ҳар бири XXI аср жаҳон тартиботини ким шакллантиради, деган саволга жавоб изламоқда.

Агар замонавий геосиёсат формуласини чиқаришга уринсан, у қуйидаги кўриниш олади: **худуд + ресурслар + технологиялар + логистика + демография + сунъий интеллект = таъсир**.

Бундан йигирма йилча аввал кучли армияга эга бўлишнинг ўзи етарли эди. Бугун эса камлик қилади. Давлат ядровий қуролга эга бўлса-да, технологик пойгада ортда қолиши, энг йирик нефть конларига эгалик қилса-да, жаҳон бозорларига чиқиб имкониятини йўқотиши, улкан худудни назорат қилса-да, маълумотлар, алгоритмлар ва инновациялар учун курашда мағлуб бўлиши мумкин. Шу боис бугун Ҳўрмуз бўғози авианеъмалардан кам аҳамият касб этмайди. Тайванда ишлаб чиқарилаётган яримўтказгичлар танк дивизиялари кам стратегик аҳамиятга эга. Сунъий интеллект устидан назорат эса аста-секин XX асрдаги нефтьга тенг ресурсга айланиб бормоқда.

Кўз ўнгимизда дунёнинг янги тақсимоли юз бермоқда. У инқирозлар, урушлар, санкциялар, камаллар ва вақтинчалик келишувлар занжири орқали содир бўлмоқда. Халқаро хавфсизлигининг асосий ҳақами бўлиши керак бўлган БМТнинг ўзи ҳам молиявий ва институционал инқирозни бошдан кечирмоқда. Агар энг йирик давлатлар ўзи бадалларини кечиктиряётган, халқаро ташкилот эса харажатларни қисқартириш ва тинчликпарварлик имкониятларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлаётган бўлса, бу энди бухгалтерия муаммоси эмас. Бу универсал жаҳон бошқаруви гоёсининг ўзи инқирозга учраётганидан далолатдир.

Макиавелли одамлар отасининг ўлимини меросдан маҳрум бўлишдан кўра тезроқ нутиши мумкинлиги ҳақида ёзган эди. Халқаро сиёсатда ҳам шундай. Давлатлар узоқ вақт давомида тамойиллар ҳақида гапирishi мумкин, аммо гап ресурслар, йўналишлар, бозорлар ва хавфсизлик ҳақида кетганда, оҳанг бутунлай ўзгаради. Ҳўрмуз, Украина, Тайвань, санкциялар, нефть, газ, уран, музлатилган активларнинг барчаси келажак устидан назорат учун кечаётган улкан курашнинг таркибий қисмларидир.

Россия ва Хитой кўпқутбли жаҳон тартиботини илгари сураётган бўлса, АҚШ совуқ урушдан кейинги

етақчилик макомини сақлаб қолишга интиляпти. Европа Вашингтонга қарамлик билан стратегик мустақиллик истаги ўртасида мувозанат изляяпти. Глобал Жануб давлатлари эса воқеалар ривожини кузатар экан, агар аввалги тизим адолатни кафолатлай олмайётган бўлса, демак, муқобил йўллари излаш вақти келган, деган хулоса чиқараяпти.

БРИКС кенгаймоқда. ШХТнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Миллий валюталарда ҳисоб-китоб қилиш масаласи тобора кўпроқ муҳокама билдириш мумкин. Аммо транспорт йўлакларини ҳарбий базалардан кам бўлмаган стратегик аҳамият касб этмоқда.

Бугунги даврнинг энг хавфли жиҳати умумэтироф этилган ўйин қондаларининг йўқлигидир. Иккинчи жаҳон урушидан кейин супердавлатларнинг тўғридан-тўғри тўқнашувидан кўрқув мавжуд эди. Совуқ урушдан кейин эса Америка ҳақамлиги ҳақидаги тасаввур ҳукм сурди. Бугун эса на кўрқув бор, на ҳақам. Қўллаб ўйинчилар мавжуд ва уларнинг ҳар бири ўзини таваккал қилиш учун етарли кучли деб ҳисоблайди.

Шу маънода Эронни санкциялар ва зарбалар остида қолган мамлакат сифатида тавсифлаб бўлмайди. У халқаро муносабатлардаги яккакутбли мантиққа қарши туриш рамзларидан бирига айланган. Бу шундай мантиқки, унда бир супердавлат ким ядровий дастурга эга бўлиши мумкинлиги, ким нефть сотиб олиши мумкин, ким бундан маҳрум қилиниши кераклигини белгилашга ўрганиб қолган. Эрон режими, унинг мафкураси ва ички сиёсатида турлича муносабат билдириш мумкин. Аммо геосиёсий нуқтан назардан Техрон анча кенг қамровли, давлатларнинг ягона куч марказига бўйсунмаслик ҳуқуқи учун курашнинг бир қисмига айланди.

Хуллас, ҳозирги вазиятда узоқ давом этадиган қуролли сулҳ энг эҳтимолий вариант сифатида кўрилмақда. Томонлар тинчлик ҳақида гапирishi, урушга тайёргарлик кўради ва ҳар бир ҳодисадан босим ўтказиш воситаси сифатида фойдаланади. Zero, ҳеч бир томон тўлиқ чекинишга тайёр эмас. АҚШ куч ишлатиш орқали яқиний галабага эриша олмаганини тан олмайди. Эрон таслим бўлиш сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган шартларга рози бўлмайди. Исроил Эрон ҳарбий салоҳиятининг сақланиб қолишига кўниқибни истамайди. Россия ва Хитой эса Вашингтон галабасидан манфаатдор эмас.

Натижада ҳар бир донаси бошқа шахмат тахтаси билан боғланган мураккаб партия юзага келмоқда. Эрон Ҳўрмуз билан, Ҳўрмуз Хитой билан, Хитой АҚШ билан, АҚШ Украина билан, Украина Россия билан, Россия Европа билан, Европа энергетика билан, энергетика эса ижтимоий барқарорлик билан чамбарчас боғлиқ. Буларнинг барчаси биргаликда янги жаҳон харитасини шакллантирмоқда, ушбу харитадаги ҳар бир маҳаллий портлаш глобал тўлқинни келтириб чиқариши мумкин.

Кўпинча Уинстон Черчилла нисбат бериладиган машҳур фикрни қуйидагича ифодалаш мумкин: биз қанчалик узоқ ўтмишга назар ташлай оلسак, шунчалик узоқ келажакни кўра оламиз. Агар орта назар ташласак, дунё яна катта қайта тақсимотлар даврига кириб бораётгани аён бўлади. Наполеон урушларидан, Биринчи жаҳон урушидан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам шундай бўлган. Фарқи шуки, бугунги қайта тақсимот фақат армиялар орқали кечмапти. У санкциялар, маълумотлар, валюталар, логистика, дроңлар, денгиз бўғозлари ва сунъий интеллект орқали амалга оширилмоқда.

Айнан шунинг учун Эрон атрофидаги бугунги суқунат алдамчидир. Ҳали можаро аяқланмаган. Бу – унинг янги саҳифаси. Эҳтимол, айнан ҳозир Вашингтон ва Техрон ўртасидаги келишув тақдиридан кўра кўпроқ келгуси ўн йилликларда дунё қондаларини ким белгилаши ҳақидаги масала ҳал бўлаётгандир.

Генри Киссинджер ўзининг «Дунё тартиботи» номи китобида жаҳон тартиботи доимий ва ўзгармас нарса эмаслигини, ҳар бир авлод уни қайтадан яратишга мажбур эканини таъкидлаган эди. Демак, инсоният ҳозир айнан шу иш билан машғул. Муаммо шундаки, янги жаҳон тартиботи шаклланиши бутун дунёда беқарорлик, урушлар, иқтисодий бўҳронлар билан кечаяпти. Дунё қайта тақсимилапти.

Жаҳонгир НАҲАHOB
«ISHONCH»

**Агар ўқисанг-у ўйламанг – чалкашиб қоласан.
Агар ўйласанг-у ўқимасанг – шубҳа-гумонлар тагида қолиб кетасан.**

Конфуций

ЖЧ–2026

ҲАММАСИ МУНДИАЛЬ ҲАҚИДА

«К ГУРУҲИ» ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

БУГҮН – 11 ИЮНЬ КУНИ АҚШ, КАНАДА ВА МЕКСИКА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАЁТГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА 23-ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СТАРТ ОЛАДИ. МУНДИАЛДА ИЛК БОРА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ «К ГУРУҲИ»ДА КОЛУМБИЯ, ПОРТУГАЛИЯ ВА КОНГО ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИГА ҚАРШИ ҲАММАРА КҮЙДА ГУРУҲИМИЗДАГИ ЖАМОАЛАРИНИНГ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ОЛИБ БОРГАН ТАРКИБИ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

	Ўзбекистон	Португалия	Колумбия	Конго ДР
Жамоанинг ўртача ёши	28 ёш	27 ёш	30 ёш	28,4 ёш
Энг ёш футболчи	Бехруз Каримов – 18 ёш	Жоао Невес – 21 ёш	Густаво Руэрта – 22 ёш	Меттью Эполо – 21 ёш
Ёши энг катта футболчи	Ўткрис Юсупов – 35 ёш	Криштиану Роналду – 41 ёш	Давид Ospina – 37 ёш	Седрик Бакамба – 35 ёш
Энг кўп гол урган футболчи	Элдор Шомуродов – 44 та гол	Криштиану Роналду – 143 та гол	Хамес Родригес – 31 та гол	Седрик Бакамба – 21 та гол
Энг кўп ўйин ўтказган футболчи	Элдор Шомуродов – 91 та ўйин	Криштиану Роналду – 226 та ўйин	Давид Ospina – 129 та ўйин	Шансел Мбемба – 106 та ўйин
Жамоанинг умумий трансфер нархи	85,33 млн. евро	1 млрд. евро	520 – 560 млн. евро	143,9 млн. евро
ФИФА рейтингдаги ўрни*	50-ўрин	5-ўрин	13-ўрин	46-ўрин

*ИЗОҲ: ТЕРМА ЖАМОАЛАРИНИНГ ФИФА РЕЙТИНГИДАГИ ЎРНИ 2026 ЙИЛ 1 ИЮНЬ ҲОЛАТИГА ҚўРА БЕРИЛГАН.

КИМДАН ҚАНЧА ВАКИЛ БОР?

«Кучли бешлик чемпионатлар», деб ном олган Англия Премьер лигаси, Испания Ла-лигаси, Италия А серияси, Германия Бундеслигаси ва Франция 1-лигаси ҳамда энг номдор клублардан неча нафардан футболчи жаҳон чемпионатида иштирок этадиган терма жамоаларга таклиф этилганини биласизми?

Рақамлар куйдагича:

1. Премьер лига – 154 нафар
2. Бундеслига – 93 нафар
3. 1-лига – 78 нафар
4. Ла-лига – 74 нафар
5. А серия – 66 нафар.

Клублардан вакиллар сони эса куйдаги кўринишда:

1. «Манчестер Сити» (Англия) – 19 нафар
2. «Бавария» (Германия) – 18 нафар
3. «Арсенал» (Англия) – 16 нафар
4. ПСЖ (Франция) – 16 нафар
5. «Барселона» (Испания) – 15 нафар

РЕЙТИНГДАГИ ТОП-10 ТАЛИК

ФИФА терма жамоаларнинг 2026 йил 1 июнь ҳолатига рейтингини эълон қилди. ТОП-10 таликдан жой олган барча жамоалар жаҳон чемпионатида иштирок этишмоқда. Улар куйдагилар:

1. Франция – 1877 очко
2. Испания – 1876 очко
3. Аргентина – 1875 очко
4. Англия – 1826 очко
5. Португалия – 1764 очко
6. Бразилия – 1761 очко
7. Нидерландия – 1758 очко
8. Марокаш – 1756 очко
9. Бельгия – 1735 очко
10. Германия – 1730 очко



Дармон ИБРОҲИМОВ
«ISHONCH»

ПАНАМА ДАВЛАТИГА «АДАШ» БОШ КИЙИМ

ёхуд географик номлар ҳақида айрим мулоҳазалар

Дунёда миллиард-миллиардлаб жой номлари бор. Улар топонимик, яъни лексикологиянинг географик номларини ўрганувчи бўлими нуқтаи назардан катта-кичиклигига қараб, макро ва микро-топонимларга бўлинади. Дастлабкисига қитъалар, материклар, мамлакатлар, ўлкалар, океанлар, денгизлар, дарёлар, тоғлар, шаҳарлар каби йирик объектлар номлари киради. Иккинчиси сойлар, жилгалар, булоқлар, қудуқлар, тепаликлар, жарликлар, қир-адирлар, маҳаллалар, гузарлар, кўчалар ва ҳоказолар номларидан иборат бўлади. Макротопонимлар микро-топонимлардан фарқи ўлароқ, узоқ вақт барқарор бўлади ва камдан-кам ҳоллардагина ўзгаради.

Жойлар номлари ўта «нозик» бўлиб, баъзан таркибдаги атиги битта-иккита ҳарф ёки товуш алмашиши тўғрисида ёзилиши ҳам, маъноси ҳам бутунлай ўзгариб кетиши тайин. Шунинг билан Австралия, Швеция билан Швейцария, Ирландия билан Исландия, Нова Скотия билан Нивани, Аму билан Амурини, Чуд билан Чадни, Эри билан Эйрни, Асака билан Осақани бир-бирига чалкаштириб юбормаслик лозим. Ўз навбатида, икки давлат ҳудудини кесиб ўтувчи айрим дарёлар маҳаллий тил қондаларига мос тарзда турлича аталишини ҳам ёдда тутиш керак. Чунончи, Испаниядан бошланувчи Тахо дарёси Португалияда Тежу, Польшадаги Одра Германияда Одер, Афғонистондаги Ҳерируд Туркменистонда Тажан деб юритилади.

Дарвоқе, биз географик номларни ўзаро мулоқот ва баҳс-мунозаралар чоғи кўп ишлатамиз. Лекин сон-саноксиз атамалар ва сўзлар айнан улардан олинганини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Жумладан, ҳар тўрт йилда бир марта анъанавий тарзда ўтказиладиган спорт кийимининг номи Грециядаги Олимп (юнон афсоналарида «Худолаб макони») тоғи билан боғлиқлигини аксариятимиз билмаймиз. Шунингдек, альпинизм, альп бурмаланиш, альп ўт-

лоқлари Европадаги Альп тоғининг, академия сўзи Грециядаги чангалзорлардан бирининг номидан олинганидан беҳабармиз.

Ёки дейлик, вулкн атамаси Тиррен денгиздаги Вулкано ороли, Гейзер Исландиядаги иссиқ Гейзер булоғи, карст Болкон ярим оролидаги Карст платоси, меандра Кичик Осиё ярим оролидаги Мендере дарёси, дельта Нил дарёси куйидагидан Дельта деган жой номидан келиб чиққанини тасаввур ҳам қилмаймиз.

Ўсимликлардан апельсин голландча «хитрой олмаси» («син» – «Чин», «Хитрой» демакдир), каштан Кичик Осиёдаги Кастан шаҳри, кофе Африкадаги Каффа ўлкаси, булғор қаламири Болгария, финикия пальмаси тарихий Финикия давлати, маккажўхори Муқаддас Макка шаҳри, қўқон жўхори ва жилон жийда Эрондаги Гилон (Жилон) вилояти, шотут Шорн (Сурия), кишимиш Эрондаги Кешм ороли, ичимликлардан коньяк, кагор ва шампан винолари Франциядаги шаҳарлар ва музофот, портвейн виноси Португалиядаги Оporto шаҳри номига дахлдорлигини ҳам билмаймиз.

Масаллага шунингдек, хисор қўйи, қорақўл қўйи, ангор эчкиси, сардинка балиғи (Сардиния ороли), Афғон шамол, Бекобод шамол, Қўқон шамол, Ҳўжанд шамол, Новороссийск Борани (тоғдан эсувчи кучли совуқ шамол) ва ҳоказолар ҳам жой номларига уйқашди. Геологик даврлардан кембрий Буюк Британиядаги Уелснинг қадимги номига, ордовик ва силур шу мамлакат жанубидаги қабилалар, девон Англиядаги грайлик, перм Урал жанубидаги шаҳар, юра Франциядаги Юра тоғлари, бурмаланишлардан каледон Шотландиянинг қадимги номига, байкал Байкал қўли, гертсин Марказий Европадаги,

альп эса Европадаги тоғ номларига бориб тақалади.

Жой номларига нисбат берилган маъданлар ҳам талайгина. Масалан, алебастр Мисрдаги шаҳар, байкалит Байкал қўли, боксит Франция жанубидаги Бокс деган жой, везувиан Италиядаги Везувий тоғи, курсит Курск шаҳри, сибирит Сибирь, сурик минерал бўёғи Сурия, хибинит Хибин тоғлари, румениит Руминия ҳудудидан топишган қаҳрабонинг бир тури, уралит Урал тоғларидан топишган минерал номидан олинган, беломорит эса Оқ денгиз соҳилидан топишгани учун шундай аталган.

Газламалардан доқа сўзи Бангладеш пойтахти Дакка шаҳри, крепдешин (французча «хитрой матоси») Хитой давлати, жерси Франциядаги орол, панама бош кийими Марказий Америкадаги Панама давлати номи билан «адаш» саналади.

Шубҳасиз, Абу Райхон ал-Беруний, Имом Муҳаммад ибн Исmoil ал-Бухорий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абдураҳзон Самарқандий, Аҳмад Фароний, Абу Наср Форобий, Аҳмад Яссавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Муҳаммад Наршахий ва бошқа буюк алломалар, ёзувчи ва шоирлар таҳаллуслари ҳам улар туғилган ёки яшаган жой номларини билдиради. Ҳатто Абу Абдуллоҳ Рудакий туғилган қишлоқ унинг таҳаллуслари орқали топишган ва ҳозирги Тожикистон ҳудудидан эканлиги аниқланган.

Яна бир қизиқ жиҳати – жой номларининг айримлари атиги битта-иккита ёки учта, баъзилари эса ўнлаб ҳарфлардан иборат бўлади. Чунончи, Э аслада Франция ва Белгиядаги, Йил Швециядаги аҳоли пунктлари, У Франциядаги дарё ирмоғи, Ар Уралдаги кичкина дарё, По Италиядаги дарё, Нил дунёдаги энг узун дарё, Чад Африкадаги, Чуд Россиядаги, Эйр Австралиядаги, Эри Шимолий Америкадаги қўллар номидир. Ёки ақсинча, Англиядаги темирйўли станцияларидан бирининг номи 54 та, Янги Зеландиядаги бир тепалик номи 85 та, Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрининг норасмий номи 159 ҳарфдан иборат. Янги Зеландиядаги бир шаҳар номи эса маори тилида 57 та ҳарф билан ёзилади. Ўзбекчага ағдарсақ, «Таматеа Покан Венда ўз машуқасига най чалиб берган тепалик» деган маънони англатади.

Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Мухими шуки, ҳар бир жой номининг ўзига хос келиб чиқиш тарихи бор. Улар пайдо бўлган вақти, қайси миллатга мансублиги, мазмуни ва тузилишига қўра, бир-бирдан фарқ қилади, ўзида географик шариоатлар, тарих, тил, маданият, тараққий ва бошқа омилларни анс эътиради. Аксарият ҳолларда маҳаллий халқнинг ўтмиши ва эзгу орзу-тилкалари билан боғлиқ кетган бўлади. Биз улардан яхши хабардор бўлсак, жила курси, ўзимиз яшаётган гузар-маҳалла, шаҳар ёки туман «таржимаи холи» ҳамда номининг асл маъносини билиб ва уқиб олсак, фойдалан холи бўлмайди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ
тайёрлади.

Хотира

Ғани Холиқовнинг талабаларга кафедрада ҳам дарс ўтишига ҳам-касблари кўникиб қолишганди. Чунки устоз иқтидорли шогирдларини учратиб қолса, хонасига бошлаб келарди. У аввал ўн дақиқа мусиқани ҳис этишни ўргатар, сўнг чолғу чалдирарди. Хатоларини тузатиб, охирида мусиқа ёзишга ундарди.

КУЙЛАРДА ЯШАЁТГАН УМР

Таниқли композитор ва бастакорнинг бундай эътибори ўзига хос эътироф эди. Зеро, суякли шогирдлар кейинчалик юксак чўққиларни забт этишга муваффақ бўлишган.

Ғани Холиқов шу қадар берилиб дарс ўтардики, ундаги санъатга муҳаббат ва иштиёқ шогирдларига юқмасдан қолмасди. Устоз инсоний фаилатлари ва ноёб ижоди билан соҳа вақилларига ҳар жиҳатдан ўрнак эди. Бинобарин, у умрининг сўнгги кунларигача мусиқа яратишдан тўхтамади.

Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабида машҳур композитор Ғани Холиқов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан уюштирилган хотира кечасида илиқ фикрлар кўп билдирилди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти Кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилган маъруза тадбирда маҳаллий санъат аҳли ҳамда пойтахтдан ташриф буюрган композитор, бастакор ва хонандалар иштирок этдилар.

Кеча аввалида Ғани Холиқов қаламига мансуб ижод намуналари янгради. Жонли ижрдаги куй-қўшиқлар даврага хуш кайфият улашди. Сўнг композитор хотирасига бағишлаб хонандалар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов ғолиблари тақдирланди. Таъкидлаш жоизки, 1946 йили Жиззахда дунёга келган Ғани Холиқов бутун умрини санъатга бағишлади. У дастлаб республика мусиқа тарбияланувчилари мактаб-интернатида таълим олди, кейинроқ Токент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирди. Олий ўқув юртини тамомлаб, турли санъат жамоалари ва таълим муассасаларида фаолият кўрсатди. Чунончи, 1974 йилдан бошлаб Жиззах вилояти мусиқали драма театрида бош дирижёр, Жиззах давлат санъат билим юрти директори, вилоят халқ ижодий уйида бўлим мудири бўлиб ишлади. Бу даврда тинимсиз изланди. Натижада унинг мумтоз ва эстрада йўналишида ёзган куйлари Қозим Қаюмов, Гулбаҳор Сулаймонова, Муҳаббат Шамаева, Лариса Москалёва, Раъно Шарипова, Наталья Нурмухаммедова, Раъно Қодиржонова ижросидаги қўшиқларга уйғунлашиб, халқ қалбидан чуқур жой олди.

Ботир Зокиров томонидан асос солинган юртимиздаги илк мюзик-холлга ҳам Ғани Холиқовнинг меҳнати сингган. Шунингдек, машҳур хонанда сценарийсин билан яратилган «Синбоднинг еттинчи саёхати» театрлаштирилган томошасига етук композиторлар қаторида куй басталаса.

– Ғани Холиқов хотирасига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбир унинг ижоди халқимиз юрагига яшаётганлигига яна бир ишоратдир, – дейди Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. – Бунга у «Лола», «Тоғда», «Сен учун», «Ишқингда ёнаман», «Сехри бордир», «Мажнунто», «Наврўзи оламга келинг», «Нозлим», «Она Ўзбекистон», «Дутор рози» каби 200 дан ортиқ оммабоп қўшиқлар, оркестр ва ансамбллар учун чолғу куйлари, вокал хореография сониалари, туркумлари, сахна асарларига басталган мусиқалари билан эришди. Қолаверса, Ғани Холиқов юзлаб истеъдодли шогирдлар етиштирган улғустоз сифатида ёлимизда қолади.

Дарҳақиқат, композитор умрининг сўнгги дамида асосан педагогик фаолиятга бағишлаган. Жумладан, 2003 йилдан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваторияси, республика эстрада ва цирк коллежи, Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти, Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби ҳамда республика Миллий гвардияси мусиқа академик лицейида ёшларга билим берди.

Таниқли композитор ва бастакор 2024 йилда ҳаётдан кўз юмди. Аммо у ажойиб ижодкор, юзлаб мусиқачи ва хонандаларнинг моҳир устози, самимий ҳамда камтарин инсон сифатида одамлар қалбида яшада давом этмоқда.

Алижон АБДУСАТТӨРОВ
«ISHONCH»

Марокли дам олинг, азиз газетхон!

Шухрат Қаюмов ва Юлдуз Турдиева ижросида «ОТМАГАЙ ТОНГ» кўшиғи

Отмагай тонг бог аро азминг хиромон бўлмаса, Булбули шайдоларинг зулшанда нолон бўлмаса. Қайдин ишқ ўтига даво айласун парвоналар, Партириб бағрин ёқувчи шами жонон бўлмаса.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi).

Ulug'bek JALMENOVA, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shohroshim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nedira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridun SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'satilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulnurbegim ODASHBOYEVA

Musahihchilar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV

Boshisha topshirish vaqti – 20:40 Topshirildi – 21:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 220 ta

Shundan: 6 555 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 464 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Sptamen ko'chasi, 270-uyda; 9 201 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-611

1 2 3 4 5 6